
"Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси Бағдод туманида ҳам уюшқоқлик билан ташкил этилди.

Бағдод туманида шу йилнинг куз мавсуми учун 128 гектар ер майдонларида 352 000 дона манзарали, мевали дароҳт ва бута кўчатларини экиш режалаштирилган.

Тадбирга маҳаллалар фаоллари, ташкилотлар раҳбарлари бош бўлиб 20 000 га яқин мевали ва манзарали дароҳт кўчатлари бир саф бўлган автомашиналарда олиб келинди.

"Яшил макон" умуммиллий лойиҳасининг мазмун-моҳияти, кузги мавсумда кўчат ва ниҳолларни тўғри парвариши хусусида сўз юритган туман ҳоқими Ғанижон Солиев - Юртимизда экотизимларни ҳимоя қилиш ва тиклаш, кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш ва яшил майдонларни кенгайтириш борасида ушбу лойиҳани амалга оширилиши муҳим қадам бўлди - деди.

Азиз тумандошлар!

Кўчат экинг, боғ яратинг. Уларни ҳавас билан экинг-ки, токи бу халқимиз, маҳаллаларимизнинг маданиятига айлансин!

2024-11-15 18:21:11